



Qizirik tuni hokimiga majlislar zalida viloyat hokimi Tura Bobolov raxbarligida yigilish bo'lib o'tdi



Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари Э.Бойниёзов, вилоят секторлари ва мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этган йиғилишда "Аёллар дафтари" учинчи босқичининг юритилиши бўйича амалга оширилган ишлар аҳволи, давлат активларини хусусийлаштириш ва бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг кунлик амалга оширилган ишлари натижадорлиги муҳокама этилди.





Йиғилишда мутасаддиларнинг бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Уларга "Аёллар дафтари" ушбу босқичини сифатли якунлаш, ҳоким ёрдамчилари билан боғлиқ бўлган муаммолар ечими юзасидан кунлик ишлашни ташкил этиш ва уларга шароитлар яратиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

